2012 ЙИЛ 18 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 192 (12.253)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 2012 йил 19-21 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлади.

Ташриф чоғида икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни кенгайтириш истиқболларини, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Учрашув ва музокаралар якунлари бўйича Қўшма баёнот, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларнинг устувор соҳаларидаги мулоқотни чуқурлаштиришга йўналтирилган ҳужжатлар имзоланади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Сўз — конференция иштирокчиларига

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАН

Мамлакатимизда 12-14 сентябрь кунлари «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли анжуманда қирқ бешдан зиёд мамлакатдан икки юз элликдан ортиқ давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, олим ва экспертлар, нуфузли халқаро молия ташкилотларининг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирлари анжуман қатнашчиларининг айримлари билан суҳбатда бўлди.

Такео КАВАГОЭ, «Kawagoe Management Consulting» компанияси бошқарувчи директори (Япония):

– Юксак савияда ташкил этилган, баҳс ва мунозараларга бой бўлган ҳамда қизиқарли ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро анжуман барча учун фойдали бўлди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг конференцияда иштирок этгани ва нутқ сўзлагани анжуманнинг нуфузини янада оширди. Давлатингиз раҳбарининг нутқини тинглаб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бош мақсади кучли, рақобатбардош миллий иқтисодиётни яратиш ва аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириб боришдан иборат эканини англадим. Замонавий бозор механизмларининг самарадорлигини таъминлаш ва шу асосда Ўзбекистонда барқарор бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг муҳим шартига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғини изчил тараққий эттириш учун қулай шарт-шароит, имтиёз ва имкониятлар яратиш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани таҳсинга сазовор.

Конференция бўлиб ўтган муҳташам Симпозиумлар саройининг маҳобати ва таровати мени лол қолдирди. Президент Ислом Каримов ғояси билан ўзига хос услубда бунёд этилган ушбу иншоот катта меҳр билан қурилгани кўриниб турибди.

Андерс СТОЛАН, «International Development Norway» компанияси президенти (Норвегия):

– Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган кенг кўламли, изчил ислоҳотлар самарасида мамлакатингизнинг жаҳон бозоридаги ўрни йилдан йилга мустаҳкамланиб, нуфузи тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодиёти, чет эл сармоясини жалб этиш ва ундан фойдаланиш бўйича пухта шаклланган механизми бугун энг ривожланган мамлакатларни ҳам юртингиз билан фаол ҳамкорлик қилишга ундаётгани маълум. Айни кунларда Норвегия билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган молиявий лойиҳа устида иш олиб боряпмиз. Мамлакатингизда хорижий сармоядорлар билан иш юритиш учун кўплаб имкониятлар ва имтиёзлар, қонун билан кафолатланган преференциялар мавжуд. Бу омиллар ўзаро алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга, ҳамкорликда қатор истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга катта ҳисса қўшаётир.

Айни вақтда Норвегия технологиясини Ўзбекистоннинг нефть-газ тармоғига жалб этиш борасида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан музокара олиб бораяпмиз. Ўзбекистон – нефть ва газ саноатида катта салоҳиятга эга мамлакат. Умид қиламизки, ўзаро ҳамкорлигимиз самарасида мамлакатингизнинг бу борадаги имкониятлари янада кенгаяди.

Франк КОСТОПУЛОС, «Research it International» компаниясининг бошқарувчи директори (Канада):

– Бир неча йиллардан буён компаниямиз хусусий тадбиркорлик билан иш олиб борувчи мижозларга амалий ва назарий ёрдам кўрсатиб келади. Компаниямиз хизматидан фойдаланаётган тадбиркорларга бизнесдан даромад олиш, бозор тизимини ўрганган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишда зарур маслаҳатлар берилади.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Очиқ ва бир-бирига азал-азалдан дўстларнинг, давр синовидан ўтган шерикларнинг ишончли мулоқоти. Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги икки мамлакат халқлари манфаатларига мос келадиган стратегик шериклик асосига қурилган замонавий давлатлараро муносабатларни комил ишонч билан ана шундай ифодалаш мумкин.

Пухта ва ишончли алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш икки дўст мамлакат ташқи сиёсатидаги устувор қирралардан бири бўлиб қолди. Янги тарихий шароитларда Ўзбекистон ва Корея ўртасида ўзаро манфаатлар мувозанати ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг миллий устуворликларига асосланган ўзаро ҳамкорликнинг принцип жиҳатдан янги модели бунёд бўлмоқда.

Тариҳдан маълумки, Корея Республикаси Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олган бўлиб, тез орада, яъни 1992 йилнинг 29 январида мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган эди.

Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазам тус олгани томонларнинг самарали ҳамкорликни кенгайтириш йўлини тутишга бўлган интилишини яққол тасдиқлайди. Бундай учрашувларнинг ҳар бирида давлатлараро шерикликнинг жуда муҳим масалалари юзасидан икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишончли ва амалий фикр алмашувлари ҳамкорлик самарадорлигининг ошишига хизмат қилмоқда.

Икки томонлама ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий замини 100 дан зиёд ҳужжатни ташкил этадики, улар давлатларимиз ўртасида турли йўналишлар бўйича биргаликдаги иш-ҳаракатларни тартибга солади.

Шу пайтга қадар олий даражадаги ўн битта учрашув бўлиб ўтди. Стратегик шериклик тўғрисидаги Қўшма декларациянинг имзоланиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йил март ойида Корея Республикасига буюрган давлат ташрифининг асосий натижаси бўлди.

«Икки мамлакат муносабатларини стратегик шериклик даражасига олиб чиқиш автомобилсозликда, транспорт инфратизимини ривожлантириш, нефть-газ жабҳаси, тоғ-кон саноати ва бошқа соҳалардаги қўшма лойиҳаларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш учун янги имкониятларни очди», деб ҳисоблайди «Корея – Ўзбекистон» Дўстлик уюшмасининг раиси Ким Юн Сик.

Мамлакатларимиз ўртасида парламентлараро ҳамкорлик йўлга қўйилган ва у фаол равишда ривожланиб бормоқда. 1995 йилда Корея Республикасининг Миллий Ассамблеясида «Корея-Ўзбекистон» дўстлик парламент уюшмаси ташкил этилди. 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида Корея Республикаси билан ҳамкорлик қилиш бўйича ҳамкорлик гуруҳи таъсис этилди. 2012 йил январида Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси спикери Пак Ҳи Тэ Ўзбекистонга ташриф буюрди.

1995 йилдан буён икки давлат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб келинади. Уларнинг сўнгги давраси, яъни тўққизинчи маслаҳатлашув 2011 йилнинг май ойида Тошкентда бўлиб ўтди.

Маълумки, Ўзбекистон ва Корея Республикаси минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик қатор масалалар юзасидан ўхшаш ёхуд бир хил нуқтаи назарларга эгадирлар. Хусусан, Ўзбекистон томони Сеулнинг ўзаро манфаат ва биргаликда равнақ топиш тамойилларига асосланган корейслар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатларини эътиборга олиб, олти томонлама музокаралар доирасида Шимолий Корея ядро муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш масаласида Корея Республикасининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлайди.

Ўз навбатида, Корея томони ҳам Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизлик таъминланишида тутган ўрни ва ҳиссасини, шу жумладан, минтақада ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш ташаббусини юксак баҳолайди.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Парламент ва жамоат назоратини таъминлашда ОАВнинг ролини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзуида матбуот конференцияси ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** Тошкент Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш куни ва Монреаль протоколи имзолланганининг 25 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** пойтахтимизда «Камолот-тур» V миллий веломарафонининг республика босқичи ўтказилди.

✓ **САЛОМАТЛИК** ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан шаҳримиздаги барча маҳаллаларда ва ўқув муассасаларида «Соғлом она — соғлом бола» лойиҳаси асосида семинар-тренинг машғулотлари олиб борилмоқда.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида «Парламент ва жамоат назоратини таъминлашда ОАВнинг ролини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

● **Чуст шаҳридаги «Styletextile» масъулияти чекланган жамияти вилоят экспорт салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган корхоналардан бири. Бу ерда ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича яна бир лойиҳанинг амалга оширилиши маҳсулот сифати ва дизайнини янада такомиллаштириш имконини берди.**

● **Жондор туманидаги «Яккатут савдо-ишлаб чиқариш» масъулияти чекланган жамиятида модернизация тадбирлари амалга оширилиши натижасида қўшимча 20 та иш ўрни яратилиб, меҳнат қилаётганлар сони 70 нафарга етди. Корхонада кунига олтмиш тонна донни қайта ишлаш қувватига эга янги технологик линия ишга туширилгач, сифат тубдан яхшиланиб, ишлаб чиқариш ҳажми ошди.**

● **Фурқат туманидаги балиқчиликка ихтисослашган «Наргиза» фермер хўжалиги томонидан шу йилнинг ўзида тўрт тоннадан ортиқ балиқ маҳсулотлари эл дастурхонига етказиб берилди. Фермер Бахтиёржон Маҳмудов раҳбарлигидаги хўжалик аъзолари келгусида ўрдак парваришлашни, сўнгра эса қорамол боқишни ҳам йўлга қўйишмоқчи.**

ЖАҲОНДА

● **«NYMEX» биржасида ўтказилган сўнгги савдолар чоғида нефть нархи 1,63 АҚШ долларига қимматлашди. Бу ҳақда «Bloomberg» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Шу тариқа жаҳон бозорида «қора олтин»нинг бир баррели 100, 26 АҚШ долларига етди. Бунга АҚШда иқтисодиётни барқарорлаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар сабаб бўлгани айтилмоқда. Мамлакат Федераль заҳира тизими муттасил ўсиб бораётган ишсизликка барҳам бериш ва иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш мақсадида ипотека агентликлари облигацияларини сотиб олишга қарор қилган. Натижада халқаро фонд бозорида компаниялар индекси қимматлашган. Хусусан, «Dow Jones», «S&P», «Nasdaq» биржаларида ана шундай ҳолат кузатилган. Нефть нархи шу йилнинг май ойидан буён 100 АҚШ долларидан ошмаган эди.**

● **АҚШнинг Сан-Антонио (Техас штати) шаҳрида олиб борилаётган, қиймати 15 миллион долларга тенг бўлган қурилиш лойиҳаси тўхтатилди. Бунга бунёдкорлик ишлари кетаётган ҳудуддан камдан-кам учрайдиган ўргимчак тўри топилгани сабаб бўлди. Чунки «Cicurina venii» дея номланган ушбу ҳашарот давлат муҳофазасига олинган. Бунгача АҚШ ҳудудида ташқи кўриниши шаффоф, кўзлари йўқ бундай ўргимчак тўрига 1980 йилда дуч келинганди. Ҳозир ҳашарот Техас техника университетига олиб келинган. У топилган ҳудудда эса қурилиш ишлари давом эттирилмайди. Чунки ер остида яна шаффоф ўргимчаклар борлиги тахмин қилинмоқда.**

● **Гватемаладаги қишлоқлардан бирида майялар даврига оид деворий сурат топилди. У Чахуль қишлоғидаги уйлардан бирининг ошхонасидан аниқланган. Расмда қадимий қабила маданиятига оид лавҳалар акс эттирилган. Бостон университети (АҚШ) археологи Уильям Сатурнонинг айтишича, бу жуда ҳам ноёб расм ҳисобланади. Нега деганда, суратни ўрганиш жараёнида майялар билан боғлиқ янги маълумотларни қўлга киритиш мумкин.**

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛГАН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Конференция доирасида Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инновация технологияларини жорий этиш, ресурсларни тежаш ва маҳсулот таннархини камайтириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдик. Бунинг ҳисобига реал сектор корхоналарининг молиявий барқарорлиги таъминлангани, хўжалик субъектлари учун солиқ юкини кескин пасайтириш чоралари кўрилгани эътиборга молик.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида бўлиб, «Тадбиркорлар куни» онлайн мулоқотида иштирок этдим. Мазкур тадбирда Ўзбекистоннинг турли вилоят ва шаҳарларида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган ишбилармонлар ўзларининг таклифлари ва ечилиши зарур бўлган масалалар билан Савдо-саноат палатаси вакилларига мурожаат қилдилар. Биз конференция иштирокчилари сифатида ушбу онлайн видео конференцияда ўзбекистонлик тадбиркорлар билан бевосита мулоқотда бўлдик. Шунингдек, ҳакамлик суди иш жараёнларини масофадан туриб ўтказиш ҳақидаги тақдимотда ҳам қатнашдик. Ҳакамлик судлари шартнома шартларининг бажарилиши юзасидан келиб чиққан низоларни амалдаги қонунчилик асосида ҳал қилади.

Герд ЛЕНГА, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси раиси (Германия):

– Иқтисодиётнинг муҳим сектори – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган мазкур халқаро конференцияда қатнашиш мен учун катта шараф. Мазкур соҳани қўллаб-қувватлашга мамлакатингиз Президенти Ислом Каримов алоҳида эътибор қаратаётганини кўриб жуда қувондим.

Бугунги кунда мамлакатингиздаги мавжуд барча хўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортиғини кичик бизнес корхоналари ташкил этар экан. Бу Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хусусий секторни ривожлантириш, соҳа ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар бераётган самаралардандир.

Тетсо ЯСУИ, Кичик ва ўрта корхоналар маслаҳатчилари уюшмаси маслаҳатчиси (Япония):

– Халқаро конференция жуда юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шунингдек, таълим, фан ва маданият жадал ривожланаётганининг, юртингизда истиқлол йилларида бетимсол ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлдилар.

Мамлакатингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун қулай сармоявий муҳит ва зарур ҳуқуқий-меъёрий замин, ишлаб чиқариш тармоқларининг барқарор ва узлуксиз ишлаши учун зарур заҳира яратилгани, логистика, транспорт, таълим каби соҳаларни янада ривожлантиришга улкан эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Ўзбекистонда ўтказилган мазкур конференция ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш, кенг кўламли таркибий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган тараққиётнинг «ўзбек модели» халқаро ҳамжамиятнинг ишончини қозонганини яна бир бор тасдиқлади.

Иоаннис ПАЦИАВОС, Тадбиркорлар федерациясининг халқаро алоқалар мувофиқлаштирувчиси (Греция):

– Дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан юзлаб мутахассислар иштирок этган ушбу конференция Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққий эттириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самаралар билан яқиндан танишиш, уларни ўрганиш ва муҳокама этиш учун қулай имконият яратди. Халқаро конференциянинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг сўзлаган нутқи мамлакатингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида амалга оширилган ва оширилаётган, эришилаётган муваффақиятларни, фойдали маслаҳатларни қамраб олгани билан барчанинг эътиборини тортди. Ўзбекистонда ёш авлодга пухта билим бериш баробарида, барча соҳалар учун малакали мутахассислар тайёрланаётгани ҳам алоҳида диққатга молик.

Сарвар Урмонов, Отабек Мирсоатов (УзА) олган суратлар

Пракаш КЕЖИРВАЛ, «Indorama» компанияси вице-президенти (Сингапур):

– Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бермоқда. Бу мамлакатингиз иқтисодий салоҳиятининг тобора юксалишига хизмат қилаётир. Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик тез суръат билан тараққий этмоқда. Ўзбекистонда сингапурлик шериклар билан ҳамкорликда тузилган кўплаб қўшма корхоналарнинг фаол иш юритаётгани ва товар айирбошлаш ҳажмининг муттасил ошиб бораётгани муносабатларимизнинг йил сайин мустаҳкамланаётганига ёрқин мисолдир.

Компаниямиз томонидан Ўзбекистоннинг Фарғона вилоятида «Indorama Qo'qon tekstil» масъулияти чекланган жамияти корхонасини ташкил этишга сармоя киритилди. Энди унинг фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштираяпмиз. Бугун ушбу корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Европа, Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар халқингиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётир. Мамлакатингизда иқтисодиётнинг барча тармоқлари қатори кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хусусан, тўқимачилик соҳасини ривожлантириш, бу борада тадбиркорларга кўплаб имтиёзлар яратишга катта эътибор қаратилаётир. Бу омиллар юртингиз иқтисодиётининг муттасил ривожланишига, соҳадаги ҳамкорлик алоқаларимизнинг янада мустаҳкамланишига катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Мадина УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА
ёзиб олди

ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон – Корея иқтисодий муносабатлари кунма-кун ўсиб бормоқда, дейиш мумкин. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Осиё-Тинч океани минтақасидаги азал ва етакчи савдо-иқтисодий шерикларидан биридир. Савдо битимига мувофиқ, мамлакатларимиз ўртасида ўта қулай шарт-шароит муҳити яратиб бериш тартиби 1992 йилдаёқ ўрнатилгани юқоридаги фикрни яққол тасдиқлайди.

2011 йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмасининг ҳажми 1628,1 миллион АҚШ долларини ташкил этдики, мазкур рақамлар бу йўналишдаги ижобий интилиш ҳолатидан далолат беради. Ўзбекистондан экспорт маҳсулотларининг мажмуи озиқ-овқат товарлари, машина ва ускуналар, пахта толаси, транспорт, коммуникация ва сайёҳлик хизматларидан иборатдир. Мамлакатимизга эса Кореядан машина ва ускуналар, кимё маҳсулотлари ва пластмасса, қора металлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, хизматлар, жумладан, транспорт, маслаҳат ва коммуникация хизматлари импорт қилинади.

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг 2011 йил август ойида Ўзбекистонга буюрган давлат ташрифи чоғида имзоланган муҳим ҳужжатлар савдо-иқтисодий, сармоявий ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорликнинг бундан-да ривожланишига янада катта туртки берди. Сургил кони негизида полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқаришга мўлжалланган Устюрт газ ва кимё мажмуаси қурилишининг лойиҳаси ана шулардан бири ҳисобланади. Йилига қарийб 1,6 миллиардга тенг миқдордаги маҳсулот чиқариш ҳажмига эга бўлган мазкур лойиҳанинг баҳоси салкам 4 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Шу муносабат билан Корея газ корпорацияси президенти Чу Канг Су қайд этганидек, ушбу лойиҳа бизларнинг келажак авлодларимиз учун муваффақиятли корхона, Марказий Осиёдаги муваффақиятли лойиҳанинг катта намунаси бўлиб қолади ва бутун дунёда ном қозонади.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва «Ангрен» эркин иқтисодий ҳудуди Корея Республикаси ҳукумати ва ишбилармон доиралари томонидан қўллаб-қувватланаётгани мамлакатимизда юксак баҳоланади. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг биринчи маҳсулоти кореялик шериклар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилгани ҳам рамзий маънога эга. «Навоий» аэропорти базасида трансконтинентал интермодал хабни бошқараётган «Кореан Эйр» авиакомпаниясининг фаолияти эса юксак баҳога лойиқдир.

«Кореан Эйр» авиакомпаниясининг президенти Чи Чанг Хун ҳақли равишда қайд этганидек, янги объект кўпгина йўналишларда Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ривожланишига кўмаклашади.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда Жанубий Корея сармояси иштирокидаги 400 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатаётгани ҳолда, уларнинг 66 таси юз фоизлик хориж сармояси асосида ташкил этилган. Мазкур корхоналар енгил саноат, кимё, озиқ-овқат саноати, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, уй-жой-коммунал хўжалиги, сайёҳлик, савдо-сотиқ ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ихтисослашгандир.

Корея Республикаси ҳукуматининг техникавий кўмаги доирасидаги ҳамкорлик Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) орқали фаол ривожланмоқда. 2012 йилнинг 25 июль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда Касб-ҳунар таълими маркази ташкил этилди. КОИКАнинг мамлакатимиздаги вакили Ли Кенг Саннинг сўзларига қараганда, Касб-ҳунар таълими марказини ташкил этиш тўғрисидаги битим имзолангандан буён Ўзбекистон ва Корея томони мазкур лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши учун фаол саъй-ҳаракатларни амалга оширдиларки, ушбу муассаса Ўзбекистоннинг касбий таълим тизимида муносиб ўринни эгаллашига шубҳа йўқ.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам сермаҳсул тарзда ривожланиб бораётир. Икки давлат халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш мақсадида гуманитар алоқаларни ҳамда таълим, сайёҳлик ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида келишувга эришилган.

Икки мамлакат ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик ришталарининг чуқурлашишига қўшган ҳиссаси учун Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчилари Чой Ёнг Ха (1999 йилда) ва Мун Хаёнг (2007 йилда), «Корея – Ўзбекистон» Дўстлик уюшмасининг раиси Ким Юн Сик (2005 йилда), Корея Республикаси Миллий Ассамблеясининг собиқ спикери Ли Ман Соп (2006 йили), «The Korean Post» журналининг президенти ва ношири Ли Кёнг Сик (2009 йили), депутат Ким Ёнг Гу, «Кореан Эйр» компаниясининг раиси Чо Янг Хо ва Корея Республикаси Савдо-саноат палатасининг раиси Сонг Кюнг Шик (2011 йили) «Дўстлик» орденлари билан мукофотланганлар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган корейс миллатига мансуб аҳоли ҳам муҳим ўрин тутмоқда. 1999 йилдан буён «Ўзбекистон – Корея Республикаси» Дўстлик жамияти фаолият кўрсатаётир. Тошкентда мунтазам равишда «Корейс маданияти ҳафталиклари» ўтказилади. Мазкур тадбирлар чоғида турли туман кўргазмалар, халқ ўйинлари ва удумлари, кинофильмлар намойиши ташкил этилади ҳамда корейс қўшиқлари, мумтоз ва эстрада мусиқалар фестивали ва концерт дастурлари уюштирилади.

1992 йилдан буён Тошкент шаҳрида ўз фаолиятини олиб бораётган Корея таълим маркази танлов асосида Кореяда тил бўйича билимларни мустаҳкамлаш ҳамда олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалари учун ушбу мамлакатда малака ошириш курсларини ташкил этиб келмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, корейс тили Ўзбекистондаги 13 та олий ўқув юртида, 30 га яқин мактаб, лицей ва коллежларда ўқитилади.

2011 йил июль ойида Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ва Корея Республикаси Этнография Миллий музейи ўртасида Ҳамкорлик ва маданий алмашинув тўғрисидаги битим имзоланди.

«Ўзбек модаси – Буюк Ипак йўли бепоёнлиги» мавзуида 2010 йилнинг 16 июлида Сеул шаҳрида уюштирилган тадбир чоғида Ўзбекистон ва Кореянинг етакчи санъаткорлари ижросидаги мусиқий дастур билан безатилган анъанавий ва замонавий либослар тақдимоти ҳамда ўзбек ипаги кўргазмаси бўлиб ўтди.

Спорт жабҳасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Жумладан, 2009 йилда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ҳузурида таэквондо бўлими ташкил этилди. 2010-2011 йилларда эса 60 нафарга яқин ўзбекистонлик спорт устаси ўқув-машқ йиғинларида иштирок этиш учун Корея Республикасига сафар уюштирдилар.

Ўзбек ва корейс халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталари замонавий босқичда ўзига хос мазмун ва маъно билан бойимоқда. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига буюрадиган расмий ташрифи икки мамлакат муносабатлари тарихида яна бир муҳим босқич бўлади.

Жалолиддин БАДАЛОВ
«Жаҳон» АА

ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ САМАРАСИ

Куни кеча шаҳримизда Ўзбекистон Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси томонидан «Ўзбекистон миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантиришда халқаро молия институтлари томонидан жалб этилаётган инвестициялар» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбир давомида соҳа вакиллари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Маълумотларга кўра Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари тизими қарийб 184 000 км узунликдан иборат. Булар Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонунига асосан қуйидагиларга бўлинади: умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари – 42 654 км; ички хўжалик қишлоқ автомобиль йўллари – 67 274 км; қишлоқ ва шаҳар кўчалари – 61 664 км; корхоналарга қарашли йўллар – 5462 км; идоравий инспекторлик йўллар 6631 км бўлиб, бу йўллардан фақатгина умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бугунги кунда Республика йўл жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Қарорига асосан халқаро молия институтлари маблағлари иштирокида 453 км Ўзбекистон миллий автомагистралининг қурилиши ва реконструкция қилиниши белгиланган бўлиб, шундан 140 км – асфальтбетон қопламали ва 313 км – цементбетон қопламали йўллардир. Мазкур қурилиш ишларига Осиё тараққиёт банкининг 672,3 млн. долл. миқдордаги иккита кредити ҳамда Ислом тараққиёт банкининг 167,2 млн. долл. миқдордаги кредити, жами 839,5 млн. долл. миқдорида кредит маблағлари жалб қилинган.

Анжуман давомида йиғилганларга Республика йўл жамғармаси томонидан, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, 2011 йилда 5-Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида «JV-MAN Auto Uzbekistan» МЧЖ ҚКси билан 26,595 млн. долларлик 11 турдаги 228 дона техникани етказиб бериш бўйича шартнома ва 6 та хорижий ташкилотлар билан 26,3 млн. долл.га 12 турдаги 144 дона техникани етказиб бериш бўйича импорт шартномаси, шу билан бирга, «Кўприккурилиш» мажмуаси учун техника ва асбоб-ускуналарни харид қилиш бўйича» «Bauer Maschhen Gmbh» (Германия) компанияси билан 9,835 млн. Еврога шартнома имзолангани ва бошқа кўплаб маълумотлар берилди.

Матбуот анжумани давомида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси раҳбарияти томонидан журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

«ЯГОНА ОЙНА» – ТАДБИРКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида «Ягона ойна» тизими иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан жорий этилган мазкур тизим самарасида тадбиркор бўлишни истаган шахсларнинг рўйхатга олиниши, коммуникация тармоқларига уланиши, уларга ер ажратиш, рухсатномалар бериш каби масалалар бир жойнинг ўзида ҳал этилади.

– Илгари кичик бизнес субъектини рўйхатдан ўтказиш учун ўнга яқин идорага мурожаат қилиш ва қирққа яқин ҳужжатни тақдим этиш талаб қилинганини ҳисобга олсак, бугун тадбиркорлик учун қанчалик кенг имкониятлар яратилаётгани ойдинлашади, – дейди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Шокир Саидов. – Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 12 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори соҳа вакилларига янада кенг қулайликлар яратмоқда.

Қарор ижроси доирасида юртимизда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг энг қисқа ва соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Ҳозир бунга кўпи билан икки иш куни кетади. Қолаверса, тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказишда қўшимча имтиёзлар яратилди. Хусусан, кичик корхоналарга солиқ, божхона тўловлари бўйича енгилликлар берилди, айрим нотариал чиқимлар бекор қилинди. Тақдим этиладиган ҳисоботлар сони ҳам кескин камайтирилди.

«Ягона ойна» тизими бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, бу ерда солиқ, статистика, банк, архитектура, кадастр, электр тармоқлари, иссиқлик таъминоти каби ўндан зиёд хизмат ташкил этилгани тадбиркорларга катта қулайлик бўлди.

Тизим фаолияти адлия ходимларининг алоҳида назоратида. Улар шу ернинг ўзида тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминловчи имтиёз ва кафолатлар бўйича тадбиркорларга ҳуқуқий тушунтиришлар бериб боради. «Ишонч телефони» фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

– Замонавий талабларга жавоб берадиган мазкур марказнинг иш бошлагани жуда яхши бўлди, – дейди Мирзо Улуғбек туманида фаолият юритаётган «Жаҳонгир-Билол» кичик корхонаси раҳбари Жаҳонгир Қурбонов. – Бир жойда ҳамма масалага ечим топиш мумкинлиги тадбиркор вақтини, маблағини тежайди, ишлашга бўлган рағбатини оширади.

(ЎзА)

Транспорт

ТЕМИР ЙЎЛ САЙТИ

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат компаниясининг иккинчи алоқа ва сингналлаштириш корхонаси жамоаси сафига бир неча ёшлар келиб қўшилди. Улар орасида Тошкент темир йўл муҳандислари институти магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишни тамомлаган Раъно Маҳмудова ҳам бор.

Олий ўқув юртини аъло баҳоларга битирган бу изланувчан ёш мутахассис диплом ишини бевосита алоқа тизимини такомиллаштириш мавзусига бағишлаган эди. «Ўзбекистон темир йўлларида махсус маълумотнома сайтини ташкил этиш» деб номланган бу илмий изланиш ўз мазмун-мундарижаси билан ҳам эътиборни тортади.

— Ҳозир кўпгина давлатларнинг темир йўл тизимида ўз сайти мавжуд, — дейди Раъно. — Мен тавсия қилган янги сайтга мамлакатимиз темир йўл харитаси киритилди ҳамда ҳар бир вилоят номи остига кичик тугма ўрнатилди. Тугма босилганда ўша вилоятга тегишли бекат ва қатнайдиган поездларнинг ҳаракат жадвали, вақти, йўлкира (ҳаракат вақти ва куни нархлари ўзгарган тақдирда маълумотлар автомат тарзда алмашади), ҳудуддаги темир йўл корхоналари ва улар ҳақидаги батафсил маълумот киритилди. Сервер шундай яратилганки, ҳар бир маълумот тезкорлик ва аниқлик билан бериб борилади. Эндиликда бу ишланма Тошкент темир йўл бекатида ҳам татбиқ қилинди.

Анвар ВАЛИЕВ

Анжуманлар

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ИЛҲОМЛАНТИРДИ

Маълумки, мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллик қутлуғ санаси муносабати билан Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган кўплаб ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ўтказилди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуман мазкур ишлар якунига бағишланди. Унда маънавият тарғиботчилари, олимлар, ўқитувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Тарғибот тадбирларини кенг жамоатчилик иштирокида, юртдошларимизнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган тарзда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ғулом Мирзаев. – Шоир ва ёзувчиларимиз истиқлолни мадҳ этувчи, она юртга садоқат ва муҳаббатни улуғловчи шеърларини бадиий лавҳалар орқали ўқиган бўлсалар, санъаткорлар Мустақиллик, Ватан, халқимиз бунёдкорлиги тараннум этилган куй-қўшиқларни ижро этишди. Тарғибот тадбирлари орқали халқимиз, айниқса ёшларимиз онги ва тафаккурида фидойилик ва юртга садоқат, порлоқ келажакка тўла ишонч туйғулари янада мустаҳкамланиб, биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, деган ғурур тобора қатъийлашди. Марказимиз томонидан 495 та тадбирлар ташкил қилинди. Шунингдек, тарғибот гуруҳлари ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мамлакатимиз ҳудудларида 4600 тадан зиёд маънавий- маърифий учрашувлар ўтказилди. Уларда пойтахтимиздан юборилган 43 нафар олимлар, 44 та ёзувчи ва шоирлар, 73 та санъаткорлар ҳамда 15 нафар рассом ва ҳунармандлар иштирок этдилар. Тарғибот гуруҳларини ташкил этишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, »Ўзбектеатр» бирлашмаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакиллари фаол иштирок этдилар. Улар мустақиллигимизнинг беқиёс моҳият-мазмунини, қадр-қиммати, эркин ва озод ҳаёт қуриш йўлида бирлаштирадиган, эзгу ишларга сафарбар этадиган буюк ҳаётбахш куч эканини атрофлича очиб беришди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, кишилик тарихида, дунё харитасида давлатлар шаклланишида йигирма бир йил жуда қисқа муддатдир. Президентимиз таъкидлаганларидек: «Ўзбекистонимиз шу давр мобайнида, ҳеч шубҳасиз, юз йилларга тенг масофани босиб ўтди». Ҳа, мамлакатимиз дунё халқлари орасида ўзининг бунёдкорлиги, яратувчанлиги ва ҳар соҳада қўлга киритаётган оламшумул ютуқлари билан ҳамиша сарбаландир. Келажаги буюк, истиқболи порлоқ юртимизга кўз тегмасин!

Шунингдек тадбирда, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси И.Латипов, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори З.Аҳмедова ва бошқалар истиқлол юртимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча инсонларнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлайдиган ҳаётбахш куч эканини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимизда аҳолининг кенг қатламлари ўртасида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида маърифий-маданий учрашувлар, давра суҳбатлари, ёшлар фестиваллари ва концертлар юқори даражада ўтказилди.

Жойларда уюштирилган учрашувларда иштирокчилар мамлакатимизда истиқлол йилларида эришилган ютуқларни аниқ, илмий фактларга асосланган ҳолда аҳолига тушунтириб бердилар. Шоир ва ёзувчиларимиз мустақиллик руҳида маърифий-маданий соҳаларни ўқидилар, санъаткорлар эса истиқлол инъом этган неъматларни улуғлаб, дилрабо куй ва қўшиқларини ижро қилдилар.

Ўтказилган тадбирлар ёшларимиз онгу тафаккурида Ватанга садоқат, келажакка бўлган ишончни янада мустаҳкамлаган бўлса, халқимиз ўртасида, биз энг бахтиёр халқмиз деган ғурурли ва қатъиятли туйғуни янада шакллантирди.

Тадбир доирасида, Энг улуғ ва энг азиз байрамимизнинг мазмундор ва хуш кайфиятда ўтишини таъминлашда ташкилотчилик ишларида фаол иштирок этган бир гуруҳ ташкилот раҳбарлари Республика Маънавият тарғибот марказининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. ОАВ вакилларига эса мустақиллигимизнинг 21 йиллиги муносабати билан нашр этилган маънавий-маърифий мазмундаги китоблар тақдим қилинди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Сув ресурслари сифатини яхшилаш, улардан фойдаланишни мақбуллаштириш, шунингдек, уларни тежаш бўйича, тупроқ унумдорлигини ошириш учун ерларни суғоришнинг илғор услубларини ишлаб чиқиш Тошкент Ирригация ва мелиорация институти олдида турган асосий вазифалар саналади.

Таълим

«БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШ» МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА

Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда олий ўқув юртида 2004-2005 ўқув йилидан бошлаб бир қанча янги йўналишлар очилди ҳамда талабалар қабул қилинди. Янги йўналишлар учун давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди.

Институтнинг халқаро миқёсдаги нуфузи ошди. Қатор олий ўқув юртлари билан алоқаси кенгайди. Институтда яна битта магистратура йўналиши очилди. «Бизнесни бошқариш» (қишлоқ ва сув хўжалигида) деган бу йўналишдаги магистратурага институт ҳамда Германиянинг Вайенштефан университетининг ўзаро ҳамкорликда асос солдилар. Ушбу магистратура иш бошлаганига кўп бўлганича йўқ. Унда қишлоқ ва сув хўжалигида бизнесни бошқариш бўйича халқаро билим-малака ҳамда тажрибаларни эгаллаган етук мутахассислар тайёрланмоқда.

Акбар АЛИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

Грант олиш учун танлов эълон қилади

Танлов мавзуси: **«Атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли соғлиғини сақлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш йўналишидаги муҳим масалаларни ҳал этишда ННТ ва аҳолининг фаоллигини ошириш».**

— **Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:**

— аҳолининг экологик саводхонлиги ва маданиятини янада юксалтириш, мамлакатимиз ҳудудларида экотуризмни ривожлантириш;

— биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан унумли фойдаланиш, маиший чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлаш;

— соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни асраш ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга йўналишлардаги муҳим давлат дастурларини фаол ва самарали амалга оширишга ННТларни жалб этиш;

— аҳолининг турли қатламлари ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, экологик номақбул ҳудудлардаги аҳолининг саломатлигини ўрганиш ва профилактикасига амалий кўмаклашиш;

— қайта тикланадиган энергия манбаларини, ресурс тежовчи ва бошқа инновацион технологияларни, айниқса, қишлоқ жойларида, чекка ҳудудлардаги аҳоли соғлиғини сақлаш объектлари фаолиятига, шахсий томорқа, деҳқон хўжаликлари ва оилавий бизнесни юритишга кенг татбиқ этиш.

— экотуризм ва реабилитацион-соғломлаштириш соҳаларининг институционал ва меъёрий ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга кўмаклашиш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати.

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси.

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача.

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2012 йил 15 октябрь соат 18-00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент ш. Бунёдкор шоҳкўчаси, 1-уй» манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида иқтидорли рассом Бахтиёр Назаровнинг «Афзал йўл» деб номланган кўргазмаси очилди. Рассом асосан кино, рангтасвир ва графика соҳаларида ўз ижодий изларини намоён этиб келмоқда.

Кўргазмалар

КЎП ЙИЛЛИК МЕҲНАТЛАРИ МАҲСУЛИ

Унинг рангтасвири асарларида портрет ва манзара жанрлари етакчилик қилади, юртимизнинг машҳур кишилари, жумладан: М.Қаюмов, Н. Раҳимов, тарихий шахслардан Маҳмуд Қошғарий, Мумтоз Маҳал каби кўплаб шахсларнинг портретларини яратди. Рассом секин-аста аниқ тасвирлардан умумий образларга ўтишни бошлайди, бунда образ белги ва рамзларга айланиб боради. Масалан «Келинчак», «Ҳинд қизи», «Фолбин», «Тонгги шудринг», «Момо қаймоқ» асарлари фикримиз мисолидир. Бахтиёр Назаровнинг манзара жанридаги асарларини томоша қилар экансиз, тасвирларда кино рассомининг нигоҳи ва фикрлаши сезилиб туради.

Унинг ҳар бир асари ўзига хос такрорланмас жиҳатлари, нафосат ва назокат нафаси уфуриб турган гўзал қирралари, рангларнинг уйғунлиги, эркин ва импрессионистик даражасининг етарлилиги билан бошқа ижодкорлар тасвирларидан ажралиб туради. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ижодий ишининг йўналишларида қалам асосий ўрин тутади.

Бахтиёр Назаров даставвал Беньков номли Давлат санъат билим юртида таҳсил олади. Сўнгра олий ўқув юртида «Кино рассоми» соҳасида малакасини оширди. «Ўзбекфильм» киностудиясида постановкачи рассом сифатида фаолият олиб борди. Мақсад сари интилувчи, изланишни ўзига шиор қилиб олган рассом ўз услубини мукаммалаштириб борар экан, фаолиятини эзгулик ва яхшиликка хизмат қиладиган асарлар билан бойитиб боради. Тарихий обидалар, ёдгорликлар, шаҳарларнинг бетимсол кўринишлари, машҳур кишиларнинг портретлари жамланган тўпламлар, она табиат манзаралари тасвирлари шулар жумласидандир.

Кўринишлар ва кўплаб киноларга чизилган эскизлар томошабинни бефарқ қолдирмайди.

«Ҳаёт мазмуни», «Овчи», «Шум бола», «Ота насиҳати» сингари фильмларга яратган эскизлари рассомнинг сценарийнинг нозик жиҳатларини теран англаши, режиссёр, оператор ва фильм ижодкорлари билан келишган ҳолда ҳамоҳанг ва ҳамжиҳатликда ишлай олишини ҳамда унинг ўз ишининг устаси эканлигини билдиради. Рангтасвир асарлари кино рассомларига хос равишда ўзининг енгиллиги ва маконийлиги билан ажралиб туради.

— Менинг ҳар бир яратган асарим, машаққатли ва шарафли ижодим маҳсулидир, — дейди Бахтиёр Назаров. — Асарларимнинг қийматини эса халқ белгилайди. Халқ олқишидан ва меҳридан буюк куч йўқ оламда. Умид қиламанки, бу кўргазмам ҳам юртдошларимнинг қалбидан муносиб ўрин эгаллайди. Зеро, бу кўргазмада кўп йиллик меҳнатларим маҳсули жамланган...

Мақоламиз сўнггида иқтидорли рассом Бахтиёр Назаровни 70 йиллик юбилейи билан қутлаб, ижодий жараёнларига бундан-да юксак парвоз тилаб қоламиз. Кўргазма 28 сентябргача давом этади.

Гулнигор САТТОРОВА

СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа

Алексей Попов олган сурат

Юртимиз маданий ва маънавий ҳаётида салмоқли ўрин эгаллаб келаётган Ўзбекистон Давлат консерваторияси чинакам кадрлар ўчоғига айланган. Йирик санъат даргоҳи 2002 йилнинг март ойигача Тошкент Давлат консерваторияси деб аталар эди. Бугун эса бу олий ўқув юрти Ўзбекистон давлат консерваторияси деб, янги, аниқлаштирилган ном олди. Консерватория номидаги бундай ўзгариш унинг ҳаётида юз берган жиддий янгиликларни акс эттиради.

Санъат

ЯНГИ МАҚОМДА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ

— Чиндан ҳам ўтган шу 10 йиллик давомида биз кўплаб янгиликларнинг гувоҳи бўлдик, — дейди консерватория ректори Дилора Мурадова. — Эзгу ният билан бошланган саъй-ҳаракатлар самарасини биз бугунги кунда яққол кўриб турибмиз. Энг муҳими, консерватория тўрт қаватли ҳашаматли бинога эга бўлди. Ундаги ўқув ва концерт залларида уюштирилаётган томоша дастурлари ёш ижрочилар маҳоратидан далолат бермоқда.

«Миллий чолғу» гуруҳининг концертлари республикамиз бўйлаб янграмоқда. Моҳир санъаткорлар томонидан уюштирилаётган экспедициялар чоғида ёзиб олинган мусиқа фольклори материаллари, чолғу куйлари янги адабиётлар яратиш имконини бераётир. Жумладан, «Сольфеджио» дарслиги ўзбек мусиқа материаллари асосида ёзилди, «Нота саводи» қўлланмаси босилиб чиқди. Консерваториянинг мусиқа тарихи музейи кўплаб экспонатлар билан бойиди.

Истеъдодли ёшларнинг опера асарларида фаол иштирок этишлари ҳам диққатга сазовор.

Концерт залларида эса мусиқа оҳанглари янграб туради. Уларда уюштирилаётган концерт дастурларидан ўрин олган мусиқалар ҳам тингловчиларда завқ-шавқ уйғотмоқда.

Янги бино энг яхши архитектура маскани сифатида эъзоз топмоқда.

Аҳад АББОСОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Миробод тумани СИБ томонидан қуйидаги мулк такроран қўйилмоқда: 1. 29.02.2012 й. № 8411-12/6-сонли ижро ҳужжатига асосан «Тошларни қазийдиган, Сляб ишлаб чиқарадиган, Плитани ишлайдиган, Тошларни фигурали маҳсулот қиладиган Stone Express асбоб-ускуналари». Бошланғич баҳоси – 9 034 258 370 сўм. Ҳамза тумани, Мусаханов кўчаси, 2-уйда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 2 октябрь куни бўлиб ўтади. Савдога қўйилган мулк билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй Тел.: 266-80-76.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1994 йилда Жунисалиев Мадали Жаналиевич номига берилган А 556029 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ҒОЛИБЛАР ШОҲСУПА ТЎРИДА

Пойтахтимизда бўлиб ўтган «Тошкент опен – 2012» Халқаро теннис турнирининг ўн тўртинчи ғолиби аниқланди. Яккалик баҳсларида ғолиб Донна Векич (Хорватия) ва Ирина-Камелия Бегу (Руминия) ўртасидаги финал учрашуви давомида маълум бўлди.

Ўйин бошлариданоқ хорватиялик ёш теннисчининг ҳаяжонини сезган руминиялик спортчи маҳоратини кўрсатиб биринчи сетни ўз ҳисобига ҳал этди. Танаффусдан унумли фойдаланиш мақсадида Бегу кортга мураббийсини чақириб ундан керакли маслаҳатлар олди ва иккинчи сетни ҳам аъло кайфиятда бошлаб дастлабки уч геймни ютиб олди. Бу ҳолатда тушкунликка тушиб қолмаган Векич иккинчи сетда рақибасига жиддий қаршилик кўрсатди. Кўплаб нуфузли мусобақаларда иштирок этиб ўз тажрибасини оширган Ирина Доннадан тажрибалироқ эканлигини исботлади. Икки сет натижасига кўра 6:4, 6:4 ҳисобида рақибидан устун келган Ирина-Камелия Бегу якка тартибдаги спортчилар ўртасида «Тошкент опен – 2012» мусобақасининг ғолиби сифатида бош совринга сазовор бўлди.

– WTA турнирларида икки бор финал учрашувларида иштирок этганман, аммо ҳар иккисида ҳам мағлубиятга учраганман, бу гал Тошкент кортлари мен учун муваффақият келтирди, — дейди, Бегу. – Турнир ташкилотчиларига менга муҳлислик қилган барча теннис ихлосмандларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Мусобақанинг жуфтликлар ўртасидаги финал учрашуви Анна Чакветадзе (Россия), Весна Долонц (Сербия) ва Паула Кания (Польша), Полина Пекхова (Белорусь) ўртасида бўлиб ўтди. Ушбу ўйин кутилганидек кескин курашларга бой тарзда ўтмади. Биринчи сетни – 2:6 ҳисобида бой берган Анна Чакветадзе ва Весна Долонц россиялик теннисчининг белидаги жароҳати туфайли кортга шифокорни чақиришга мажбур бўлдилар, шифокор маслаҳати билан ўйин тўхтатилди. Шу тариқа рақибининг жароҳати туфайли Паула Кания ва Полина Пекховалар жуфтлиги турнир ғолиби деб топилди.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ

Спорт янгиликлари

МАҲОРАТ МАКТАБИ ВАЗИФАСИНИ ЎТАЙДИ

Маълумки, жорий йилнинг 3-17 ноябрь кунлари ААДа футбол бўйича 19 ёшгача бўлган чарм тўп усталари ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли турнирда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган Аҳмаджон Мусаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси «С» гуруҳида КХДР, Вьетнам, Иордания ёшлар терма жамоаларига қарши майдонга тушади.

Осиё чемпионатига тайёргарлик кўриш мақсадида Аҳмаджон Мусаев шогирдлари Вьетнамга жўнаб кетишганди. Гап шундаки, Вьетнам футбол федерацияси Кубоги учун ташкил этилган халқаро турнирда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам иштирок этмоқда.

Турнирдаги биринчи учрашувни австралиялик тенгқурларига қарши ўтказган ёшларимиз муросасиз ва шиддатли курашларга бой кечган баҳсда 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Рақиблари дарвозасини Абдулазиз Юсупов ва Жаҳонгир Абдумўминов аниқ нишонга ола билишди.

Эрон ёшлар терма жамоасига қарши уюштирилган навбатдаги баҳсда ҳамюртларимиздан омад юз ўгирди. Деярли тенг курашлар остида ўтган учрашув 2:1 ҳисобида эронликлар ғалабаси билан якунланди. Энди ёшларимиз Вьетнам ёшлар терма жамоаси билан куч синашади. Ҳозирча гуруҳда Эрон ёшлар терма жамоаси пешқадам бўлиб турибди. Албатта ушбу турнир Аҳмаджон Мусаев шогирдлари учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтайди.

РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИДА УЧИНЧИ

Футбол мухлисларига маълумки, Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари Александр Гейнрих, Улуғбек Бақоев ҳамда Марат Бикмаев жорий йилги мавсумни Қозоғистон чемпионатида ўтказишмоқда.

Куни кеча Қозоғистон футбол федерацияси томонидан Қозоғистон чемпионатида тўп сураётган футболчиларнинг август ойи учун янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Рейтинг натижаларига кўра Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳужумчиси «Иртиш» клуби аъзоси Улуғбек Бақоев учинчи ўринда қайд этилди. «Актобе» клуби аъзоси, моҳир ҳужумчимиз Александр Гейнрих эса 14-ўринда, шунингдек, Гейнрихнинг жамоадоши ярим ҳимоячи Марат Бикмаев 17-ўринда кўрсатилган.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Туркиянинг Истанбул шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда бир олтин, икки кумуш ва иккита бронза медалини қўлга киритган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси вакиллари умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.

БЕШ МЕДАЛЬ ВА УЧИНЧИ ЎРИН

Йигирма еттинчи маротаба ташкил этилган анъанавий мусобақада дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган юз нафардан зиёд боксчи ўн вазн тоифасида ғолиблик учун куч синашди.

Халқаро турнирнинг энг кескин ва муросасиз беллашувлари вазни 91 килограммдан оғир боксчилар баҳсида кузатилди. Ҳамюртимиз Улуғбек Мубинов ярим финалда россиялик Олег Жмурани 10:9 ҳисобида мағлубиятга учратди. У.Мубинов финал баҳсида яна бир россиялик спортчи – Ҳожиакбар Мамаков устидан 16:6 ҳисобида зафар қучиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

49 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан Муроджон Аҳмадалиев россиялик Павел Ганченко, ироқлик Аброр Али, болгариялик Тинко Банабаковни мағлуб этиб, кумуш медалга сазовор бўлди. Анвар Туропов эса 64 килограмм вазн тоифасидаги жангларда грециялик Христос Кафритсас, қозоғистонлик Даир Жайловов, туркиялик Осман Эмре устидан қозонилган ғалабалари эвазига кумуш медаль билан тақдирланди. Ҳакимжон Убайдуллаев ҳамда Жаҳонгир Давидов бронза медалларини қўлга киритди.

Экология

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ВА САЛОМАТЛИК

Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамкорлигида атроф-муҳит муҳофазаси, аҳоли саломатлигини сақлаш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва аҳоли фаоллигини ошириш йўналишидаги навбатдаги грант танловига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Экоҳаракат марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б.Алихонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори А.Тўраев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган кенг кўламли вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани атроф-муҳитни муҳофаза қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини юксалтириш, барқарор ривожланишга эришишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ҳозир мамлакатимизда экология ва саломатлик йўналишига ихтисослашган икки юздан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият юритмоқда. Улар томонидан аҳоли, хусусан, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, соф ривожланиш механизмларини жорий этиш, экологик таълимни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнида табиатга ва инсон саломатлигига салбий таъсирларнинг олдини олиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш билан боғлиқ кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги кенг кўламли вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда табиатдан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофазалаш билан боғлиқ тадбирларда жамоатчилик назоратини янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Навбатдаги грант танлови ҳам мазкур йўналишдаги устувор вазифаларни изчил давом эттиришга йўналтирилган. Жумладан, грантлар аҳолининг экологик маданиятини янада юксалтириш, экотуризмни ривожлантириш, биохилма-хилликни асраш, маиший чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини, инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш каби қатор йўналишлардаги лойиҳаларга ажратилиши кўзда тутилган.

Тадбирда атроф-муҳит муҳофазаси ва тиббиёт йўналишида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларига грант танловида иштирок этиш тартиби, лойиҳаларни молиялаштириш ва бошқа қатор ташкилий масалалар ҳақида батафсил маълумот берилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

(ЎзА)

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ишончи йўқнинг қувончи йўқ.

* * *

Бемаъни табиати кишининг ўз зиёнига ишлайди.

* * *

Шодлик-хурсандчилик манзилига ранжу машаққат йўли орқали борилади.

* * *

Кутганингда кунлар йилга айланади.

* * *

Ёмон кўшни ҳам умрнинг эгови.

* * *

Истак билан имконият йўллари ҳамиша ҳам кесишавермайди.

* * *

Карвон юрмаган йўлни қум босади.

* * *

Инсоннинг бутун телбаликлари нафс туфайлидир.

* * *

Иримлар инсон ожизлигининг турфа кўринишларидир.

* * *

Бетоқат одам ўзини-ўзи қийнаб яшайди.

* * *

Камолот йўлининг чек-чегараси йўқ.

* * *

Ўқиб-ўрганишга бир умр камлик қилади.

* * *

Қарз ҳам гуноҳдай гап: елкангдан босиб ётади.

* * *

Умид куч бағишлайди.

* * *

Оила мустаҳкам бўлса, уни ғийбат ҳам, туҳмат ҳам бузолмайди.

* * *

Кундалик ташвишларга ўралашиб қолган киши баланд парвоз қилолмайди.

* * *

Ўз кучини тўғри баҳолай олган инсон улуғдир.

* * *

Бировнинг айбидан сўз очилганда ҳамманинг тили бурро.

* * *

Қабристон – ибрат китоби.

* * *

Умрнинг кетидан от қўйиб етолмайсан.

* * *

Энг катта тезлик аслида вақтга тегишли.

* * *

Вақтни нафақат қувиб етган, балки ундан ўзиб кетганлар ҳам бор.

* * *

Бу дунёда ҳар жиҳатдан тўкис бахт бўлмайди.

* * *

Ҳар кимда ҳам бир устунлик бўлади – ундан фойдалана олиш керак.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **19 сентябрь** куни ҳаво вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи — 28-30 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **19** ва эрталаб **20 сентябрда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоизга кўпайиши тахмин қилинмоқда.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-7285

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 941

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4919 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ